



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 13 февраль, № 31 (8926)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Ипотека кредити бозори
янада ривожлантирилиши
муносабати билан
Ўзбекистон
Республикасининг
айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 10 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 19 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қаноатлантириш, ҳудудларда фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва ипотека кредити бозорини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг кенг қатламлари учун бозор принципларига асосланган ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида гаров шартномаси ва гаров хати бўйича ҳуқуқларни расмийлаштириш, уларни рўйхатга олиш ва учинчи шахсларга бериш жараёнларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Ипотека тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ипотека муносабатларига электрон гаров хатини жорий этишни, бундай гаров хати билан таъминланган мажбуриятларни бажаришни, у бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишни ва ундан фойдаланишга доир бошқа механизмларни белгилашни, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқлари ҳамда гаров хати тугатиш массасига киритилмаслигини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ипотека бўйича гаров хатлари айланишини янада ривожлантиришга, аҳолига берилган ипотека кредитларини такрор молиялаштириш учун янги имкониятлар яратишга, ипотека кредитини беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Ипотека тўғрисида**»ги ЎРҚ–58-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг:**

учинчи қисмидаги «номи ёзилган қимматли қоғоз» деган сўзлар «номи ёзилган ноэмиссиявий қимматли қоғоз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **бешинчи – ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Гаров хати ипотекага қўйвчи томонидан, агар у бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор томонидан қоғоз (бундан буён матнда ҳужжатли гаров хати деб юритилади) ёки электрон (бундан буён матнда электрон гаров хати деб юритилади) шаклда тузилади ва рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

(Давоми 2-бетда).



ҚАДИМ ЮРТГА ҚАЙТАЁТГАН УЛУҒВОРЛИК

Сурхондарё бугун бахшилар тилида куйлангани каби сержило сурат ва сийрат касб этмоқда. Асрларни қаритган қадимий обидалар мозийдан сўзласа, ҳудудларда давом этаётган улкан қурилишлар, қад ростлаётган кўркем бинолар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари — барча-барчаси воҳа мамлакатимизнинг Жанубдаги жавоҳирига айлана-б бораётганини намён қилади. Истараси кўёш тафтидан ҳарорат олган меҳнаткаш, танти ва бағрикенг сурхондарёликлар юртни гуллашти, яшнатиш ва обод этишга қатъий бел боғлаганини уларнинг ўткир нигоҳларидан пайқаш қийин эмас.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Ташаббус қулоч ёймоқда

Президентимизнинг 2018 йил 18 сентябрдаги «Термиз» эркин иқтисодий зона-сини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳаётбахш янгиланишларга куч бераётган ҳужжат сифатида тарихий аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат чегарадош мамлакатлар, ҳу-

сусан, Афғонистон билан самарали савдо ва транспорт-логистика алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, ундан мамлакатимиз халқаро юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва транзит салоҳиятини кенгайтириш, чегара атрофи минтақаларининг ресурс базасидан комплекс фойдаланиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол



жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш кўзда тутилган.

— Ҳаётимизга чуқур кириб келаётган бу улкан лойиҳа туфайли халқимизнинг азалий орзу-истаклари рўёбга чиқмоқда, — дейди «Термиз» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси директори Муҳаммади Очилов.



ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, «маҳалла еттилиги», маҳаллий Кенгашлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро вилоятининг қатор туманларида бўлгани ҳақида хабар берган эдик.

Ўрганиш

Ташрифнинг иккинчи куниди Сенат Раиси Олот, Жондор ва Бухоро туманларида учрашувлар ва мулоқотларни давом эттирди. Жумладан, Бўрибек Чандир маҳалласида аҳоли томирқаларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишилди.

Ушбу маҳалладаги 645 та хонадоннинг 76 тасида иссиқхона ташкил қилинган, аммо бундан-да кўпроқ натижаларга эришиш учун шарт-шароит мавжуд. Буни одамларга тушунтиришда «маҳалла еттилиги», маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мутасаддилари янада фаол бўлиши кераклиги таъкидланди.

Учрашувлар давомиди ишлаб чиқариш



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА МОС ЁНДАШУВ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор масалалар, жумладан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, банклар фаолияти самарадорлигини мустаҳкамлаш, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Жумладан, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили»да амалга оширишга оид давлат дастури мазмун-моҳияти ҳамда ундан келиб чиқиб фракция олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари ушбу дастурий ҳужжатда акс этган атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт борасидаги вазифалар партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган кўплаб ташаббуслар, ғоялар билан уйғун ва ҳамоҳанг эканини айтиб ўтишди.



Фахр



Шу йилнинг 5 — 12 февраль кунлари Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида ампутантлар футбол буйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Аҳамиятлиси, илк бор ташкил этилган китаъ биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси бош совринни кўлга киритди. Финалда вакилларимиз индонезиялик рақибларини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ҳамюртларимиз мусобақанинг илк турида ҳам Индонезияга қарши май-

донга тушиб, 8:1 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Терма жамоамиз Осиё чемпионатининг иккинчи турида Непални 13:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, учинчи тур ва яримфиналда Бангладеш ҳамда Ироқ терма жамоалари дарвозасига 3 тадан жавобсиз тўп киритилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ампу-

тантлар терма жамоаси бунгача уч бор — 2007, 2010, 2012 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатларида бош совринни кўлга киритганди. 1998 йилда бўлиб ўтган дунё биринчилигида кумуш, 1991, 2002, 2022 йилларда ташкил қилинган жаҳон чемпионатларида эса бронза медалларга сазовор бўлган.



УЗОҚ КУТИЛГАН ОЛТИН МЕДАЛЬ

Ўзбекистон делегацияси 26 йиллик танаффусдан сўнг қишки Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Маълумки, 7 — 14 февраль кунлари Хитойнинг Харбин шаҳрида IX қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур мусобақада Ўзбекистон делегацияси ҳам ўз тарихидаги энг катта таркиби — 6 спорт турида 24 нафар атлет билан қатнашяпти.

12 февраль кунги фигурали учиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Дмитрий Чигирей ҳамда Екатерина Гейниш жуфтлиги 176.43 балл жамғариб мусобақада энг яхши натижа қайд этди ва Осиё ўйинлари чемпионига айланди. Кумуш ҳамда бронза медаллар Япония ва ҚХДР вакилларига насиб қилди.

Мазкур натижадан сўнг Ўзбекистон ҳам медаллар жамғариш рейтингига қириб олди ва 5-ўринга жойлашди. Қучли учлидан мос равишда Хитой, Корея Республикаси ва Япония ўрин олган. Рейтининг 4-поғонасини эса қўшни Қозоғистон банд қилиб турибди.

Айтиш жоизки, делегациямиз илк олтин медалга бундан 26 йил аввал сазовор бўлганди. Ушбу медалини 1999 йилда Жанубий Кореянинг Канвон шаҳри мезбонлигида ўтган IV қишки Осиё ўйинларида фигурали учиш бўйича иштирок этган Татьяна Малинина кўлга киритганди.

Муҳсинжон УМУРЗОҚОВ
(«Халқ сўзи»).

Семинар

Бола ҳуқуқлари бўйича ислоҳотлар қатъийлиги эътироф этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими томонидан «Ўзбекистон Республикасининг болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини амалга ошириш ва ушбу мажбуриятларни бажаришнинг миллий механизмлари» мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган ушбу тадбирда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини ва Миллий ҳаракатлар режасида назарда тутилган чора-тадбирларни янада самарали бажариш йўллари атрофлича кўриб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Мавлуда Хўжаева, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Регина Кастижо ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими маслаҳатчиси Омер Фишер ўз табрик сўзлари билан семинарни очиб берди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда 18 ёшга бўлган болалар 13 млн. нафарни, яъни жами аҳолининг қарийб 35 фоизини ташкил этади. Шу маънода, мамлакатимиз учун бола ҳуқуқларини таъминлаш масаласи принципаал аҳамиятга эга.



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⬅️(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Электрон гаров хати Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон гаров хати шаклини тўлдириш орқали расмийлаштирилади.

Гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин расмийлаштирилади.

Ҳужжатли гаров хати расмийлаштирилганидан кейин дастлабки ипотекага олувчига берилади.

Электрон гаров хати расмийлаштирилганидан кейин «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига ва дастлабки ипотекага олувчига юборилади.

Ҳужжатли гаров хатини сақлаш ва у бўйича ҳуқуқларнинг ҳисоби ипотекага олувчи томонидан, электрон гаров хатини сақлаш ва у бўйича ҳуқуқларнинг ҳисоби эса «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти томонидан юритилади.

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳужжатли гаров хати тўғрисидаги қондалар, агар электрон гаров хатининг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, электрон гаров хатига нисбатан ҳам қўлланилади.

Электрон гаров хатини бериш, сақлаш, унга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Гаров хатлари берилиши уларнинг эмиссияси ҳисобланмайди ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Гаров хати ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилгунча қадар исталган пайтда тузилиши ва ипотекага олувчига берилиши мумкин»;

2) **16-модда:**
биринчи қисмининг:
биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Гаров хатида қуйидагилар кўрсатилиши керак»;
ўнинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг пулда ифодаланган қиймати»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«гаров хатининг идентификация рақами, шу жумладан электрон гаров хати учун QR-код (матрицали штрих код)»;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва шартлардан бирон-бири мавжуд бўлмаганда гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан расмийлаштирилмайди»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳужжатли гаров хатининг ўзида янги эгалик қилувчилар ва ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белгилар (гаровга ўтказишга доир махус ёзув) қўйиш ёҳуд бошқа зарур маълумотларни ёзиш учун жой етарли бўлмаганда ҳужжатли гаров хатига қўшимча варақ бириктирилади, ундаги ёзувлар ва белгилар ҳужжатли гаров хатида бошланиб, ушбу варақда тугайдиган тарзда жойлаштирилади.

Ҳужжатли гаров хатининг барча варақлари бир бутун ҳужжатни ташкил этади. Уларга тартиб рақамлари қўйилган ва улар рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак. Ҳужжатли гаров хатининг алоҳида варақлари битимлар нарсаси бўлиши мумкин эмас»;

3) **17-модда:**
қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Электрон гаров хатига ўзгартиришлар киритиш гаров хатининг қонуний эгаси ва гаровга қўювчи томонидан электрон гаров хатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги келишув (қўшимча келишув) шаклини Ягона интерактив давлат хизматлари порталида тўлдириш орқали амалга оширилади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «Гаров хати бекор қилинган» деган

сўзлар «Ҳужжатли гаров хати бекор қилинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «гаров хати» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бекор қилинган электрон гаров хати ўрнига берилган янги электрон гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига ва электрон гаров хатининг қонуний эгасига юборилади»;

4) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Гаров хатининг» деган сўзлар «Ҳужжатли гаров хатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
«Гаров хатининг қонуний эгаси шартномада ёки қонунчиликда назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганда гаров хатини тегишли ҳуқуқ қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, шу мажбуриятли шахсга (қарздорга ёки ипотекага қўювчига) унинг талабига биноан кўрсатиши шарт, бундан:

ҳужжатли гаров хати нотариус депозитига топширилган;
ҳужжатли гаров хати гаровга олувчига ўтказилган ҳолда гаровга қўйилган;
гаров хати электрон тарзда расмийлаштирилган ҳоллар мустасно.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият тўлиқ бажарилганидан кейин ҳужжатли гаров хатини ипотекага қўювчига топшириши, мажбурият қисмларга бўлиб бажарилган ҳолларда эса, унинг қисман бажарилишини ипотекага қўювчи учун етарли ва ҳужжатли гаров хатига келгусида эгалик қилиш эҳтимоли бўлганлар учун яққол кўриниб турадиган усулда ёки ҳужжатли гаров хатида мажбуриятнинг қисман бажарилганлиги ҳақида ёзиб қўйиш орқали тасдиқлаши шарт.

Электрон гаров хати билан таъминланган мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилган тақдирда гаров хатининг қонуний эгаси электрон гаров хати бўйича мажбурият тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги факти тўғрисида ёзув киритиш учун «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига муурожаат қилиши шарт.

Ҳужжатли гаров хатининг ипотекага олувчида туриши ёҳуд гаров хатида ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белги ёки бошқача тарздаги тасдиқнома йўқлиги, агар ўзгача ҳол исботланмаган бўлса, бу мажбурият ёки тегишчинин унинг қисми бажарилмаганлигидан далолат беради.

Қарздор ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш учун электрон гаров хатининг қонуний эгасидан «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти томонидан белгиланган тартибда берилган ва тасдиқланган гаров хати эгасининг депо ҳисобварагидан кўчирмани талаб қилишга ҳақли.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ўз қарзини тўлиқ ҳажмда ёки гаров хати бўйича ўз мажбуриятларини гаров хатининг қонуний эгасига ёки гаров хатининг қонуний эгаси томонидан шу гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш учун вакил қилинган шахсга қарзни узиш режасига мувофиқ бажарилиши лозим бўлган қисмини узади.

Гаров хати гаровида гаров хати нотариус депозитига топширилган тақдирда, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор қарзни нотариус депозитига киритган ҳолда ўз мажбуриятини бажаради.

Гаров хати бўйича мажбуриятли шахс гаров хатини кўрсатувчига гаров хати бўйича унинг ҳуқуқлари амалга оширилишини рад этишга қуйидаги ҳолларда ҳақли, агар:

мазкур гаров хати бўйича ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бу битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўйилганилиши ҳақидаги даъво кўриб чиқиш учун суд томонидан қабул қилинган бўлса;

кўрсатилган ҳужжатли гаров хати унинг қонуний эгаси томонидан йўқотилганлиги ва ҳужжатли гаров хатининг дубликати берилганлиги муносабати билан ёҳуд ҳужжатли гаров хатини

ёки унинг дубликатини бериш тартиби ҳужжатли гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар жавоб бермайдиган тарзда бузилганлиги муносабати билан ҳақиқий бўлмаса.

Агар ўзгача ҳол исботланмаган ёки ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ҳужжатли гаров хатининг у бўйича мажбуриятли шахслардан исталган бирида ёки рўйхатдан ўтказувчи органда турганлиги ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилганлигидан далолат беради. Ҳужжатли гаров хати қайси шахснинг эгалигига ўтиб қолса, ўша шахс гаров хатининг бошқа мажбуриятли шахсларини бу ҳақда дарҳол эъма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ушбу Қонунга мувофиқ ҳужжатли гаров хати бекор қилинган ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатли гаров хатини олиши билан дарҳол унинг юз тарафига «қарз узилган» деган муҳри босиш орқали ёки ҳужжатли гаров хатининг муомалада бўлиши имкониятига йўл қўйилмайдиган бошқача тарзда уни бекор қилади, бундан ҳужжатли гаров хатини йўқ қилиш мустасно»;

6) **21-модда:**
номидаги «гаров хати» деган сўзлар **«ҳужжатли гаров хати»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «гаров хати» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «гаров хатининг» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «гаров хатининг» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳужжатли гаров хатининг дубликати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳужжатли гаров хатини йўқотган шахсга топшириш орқали берилади.

Ҳужжатли гаров хатининг дубликати йўқолган ҳужжатли гаров хатига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак.

Ҳужжатли гаров хатининг дубликати йўқолган гаров хатига мувофиқ эмаслиги муносабати билан юзага келган зарарлар учун жавобгарлик рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасида бўлади. Агар бу номувофиқлик учун ҳужжатли гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар жавобгар бўлса, улар ҳужжатли гаров хати дубликати қонуний эгасининг ушбу ҳужжатли гаров хати бўйича ҳуқуқларини амалга оширишини мазкур номувофиқлик муносабати билан рад этишга ҳақли эмас»;

7) **34-модда:**
учинчи қисмидаги «Гаров хати» деган сўзлар «Ҳужжатли гаров хати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Гаров хатининг янги эгаси тўғрисидаги белги ҳужжатли гаров хатида кўрсатилган ипотекага олувчи томонидан, агар бу биринчи ёзув бўлмаса, олдинги белгида кўрсатилган ҳужжатли гаров хатининг эгаси томонидан имзоланиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон гаров хатлари бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш депо ҳисобварагига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади. Электрон гаров хатига доир ҳуқуқлар олувчининг депо ҳисобварагига тегишли ёзув киритилган пайтдан эътиборан унга ўтади ва депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади»;

бешинчи – ўнинчи қисмлари тегишинча **олтинчи – ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳужжатли гаров хатининг эгаси, агар унинг ҳужжатли гаров хатига бўлган ҳуқуқлари гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишга доир битимга ҳамда ҳужжатли гаров хатига унинг олдинги эгаси киритган охириги белгига асосланса, у ҳужжатли гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланади. Агар ҳужжатли гаров хати гаровга ўтказишга доир махус ёзувларни киритган бирон-бир шахснинг эгалигидан ўғирланиши натижасида ёки бу шахснинг хоҳиш-иродасидан ташқари бошқача тарзда чиқиб кетган, ҳужжатли гаров хатининг эгаси унга ёза бўлаётганда буни билганлиги ёки билиши лозим ҳам бўлганлиги исботланган

бўлса, у гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланмайди»; қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Электрон гаров хати берилган тақдирда, электрон гаров хатининг эгаси, агар унинг гаров хатига бўлган ҳуқуқлари депо ҳисобвараги бўйича ёзув билан тасдиқланган бўлса, у электрон гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланади»;

ўнинчи ва ўн биринчи қисмлари тегишинча **ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) **35-модданинг:**

биринчи қисми «Ўтказиш орқали» деган сўзлардан кейин «ёки ўтказмасдан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Гаров хатини гаровга олиш тўғрисидаги шартномада тарафлар гаровга олувчининг муайян муддат ўтганидан кейин гаров хатини сотиб, тушган пулдан унинг гарови билан таъминланган мажбурият суммасини ушлаб қолиш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бу ҳолда ушбу ҳуқуқ гаров хатидаги гаров нарсасини ўтказиш тўғрисидаги махус ёзувда назарда тутилган бўлиши керак».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилинсин:

1) **3-модданинг қирқинчи хатбошисидаги** «эмиссиявий» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **6-модда:**
қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган шартлар ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **39-модда биринчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошисидаги** «эмиссиявий» деган сўз чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–763-сонли «**Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда) **146-моддасида иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** «гаров нарсаи» деган сўзлардан кейин «шу жумладан гаровга берилган талаб қилиш ҳуқуқлари ҳамда гаров хатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 12 февраль № ЎРҚ—1028	

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИ ЭЪТИБОРДА



⬅️1 Туманларда маҳаллий Кенгашлар фаоллигини оширишда депутатлик назорати институтидан унумли фойдаланиши, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган долзарб вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш борасида изчил саъй-ҳаракат олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, Т. Норбоева Бухоро шаҳридаги «Универ-

сал» спорт мажмуасида ёш велосипедчилар билан учрашди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда велоспортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда велоспорт б таустовур спорт туридан бирига айлангани айтилди.

Велоспортчиларимиз халқаро майдонларда юқори натижаларга эришаётгани,

яқинда Таиландда ўтказилган велоспорт бўйича паралимпия Осиё чемпионатида спортчиларимиз 12 та олтин, 9 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга кiritиб, мутлақ ғолибликка эришгани эътироф этилди. Учрашувда вилоятда велоспорт бўйича халқаро мусобақаларни ташкил этиш орқали туризм имкониятларини оширишга доир масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Тойво Клар билан учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги стратегик муносабатлар янги босқичга кўтарилгани эътироф этилди. Европа Иттифоқининг "GSP+" тизими доирасида савдо, иқтисодий, таълим, тиббиёт, инновация соҳаларидаги ҳамкорлик лойиҳаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда фуқаролик институтлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга қаратилган ишлар алоҳида таъкидланиб, бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан парламентлараро муносабатларни кучайтириш ҳамда қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини тақомиллаштиришга оид ҳамкорлик дастурларини йўлга қўйишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси О. Қозиқонова бошчилигидаги делегация Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиёда гендер тенглик масалалари бўйича юқори даражадаги учрашувда иштирок этди.

Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон вакиллари, вазирлар, депутатлар, гендер тенглик масалалари бўйича экспертлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор ходимлари қатнашди.

Делегациямиз аъзолари мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган муҳим лойиҳаларни тақдим қилди. Гендер сийсати соҳасидаги илғор тажрибалар билан танишиш жараёнида Ўзбекистоннинг гендер тенгликни таъминлаш ва гендер таъбирароликка қарши курашиш соҳасидаги таърибаси энг яхши амалиёт намунаси экани алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари А. Эшмуратов ва О. Маматкаримов Дубай шаҳрида ўтказилаётган Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Глобал кенгашнинг III анжуманида иштирок этмоқда.

Парламент дипломатияси

Тадбир 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартибини самарали амалга оширишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янги таъаббусларни илгари суришга қаратилган. Таъкидлаш кераки, Ўзбекистон БМТнинг "2030 йилгача

ри юқори баҳоланди. Президентимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75, 76 ва 78-сессиялари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, жумладан, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби бир қанча соҳаларга тегишли 40 дан ортиқ ташаббуслар билдирилгани қайд этилди. Сенаторлар "XDGs 2045" давра

суҳбатида ҳам қатнашишди. Унда 2045 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг истиқболлари, глобал ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш учун инновацияларни жорий этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзоларининг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Глобал кенгашнинг III анжуманидаги иштироки давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Юртимиз бўйлаб барча туман (шаҳар)ларда Ал-Хоразмий номидаги аниқ фанлар олимпиадаси бошланди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА МОС ЁНДАШУВ

Йиғилишда кун тартибидаги бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Хусусан, “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кизгин муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида Марказий банкнинг банкларни санация қилишга доир ҳуқуқий асослари назарда тутилмоқда. Шунингдек, унинг банкни ихтиёрий тугатишни амалга оширишга доир руҳсатномасини бериш шартлари, ихтиёрий тугатиш жараёнида тугатувчи томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар, Марказий банкка тақдим этиб бориладиган ҳисоботлар ҳамда тугатиш жараёнида устидан у томонидан амалга ошириладиган назорат қоидалари белгиланяпти.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари томонидан берилган бир қатор таклифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этганини алоҳида таъкидлади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳа билан ёшга доир пенсияларни фуқаролар белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий қилинмоқда. Нафақаларни тўлаш тартиби бўйича янги тартиб-қоидалар белгиланяпти. Бу борада давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фуқароларнинг пенсия таъминотини халқаро стандартлар ва замон талабларига мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, агар фуқаро меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирганда проактив шаклда тайинланган ёшга доир пенсияни рад қилиш тартибини жорий этиш ҳам назарда тутилляпти.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилди. Дейлик,

ҳодим пенсия ёшига етди, ўз-ўзидан унга проактив шаклда пенсия тайинланади. Мабодо у иш фаолиятини давом эттирмоқчи бўлса, бу ҳолатда пенсияни рад қилиш тартиби қандай бўлади? Ёки аксинча, ҳодим пенсияга чиқиш истагида бўлса, иш бевуқининг бунга муносабати қандай бўлади, каби саволларга қонун ташаббускорлари лойиҳанинг концепциясида келиб чиқиб, атрафлича жавоб қайтарилди.

Фракция аъзолари лойиҳада назарда тутилаётган ўзгаришлар партиянинг сайловолди дастурида замонавий, адолатли пенсия тизимини яратиш бўйича белгиланган вазифалар билан ҳамоҳанг эканидан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлашди.



Йиғилишда, шунингдек, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мазкур ҳужжат лойиҳаси рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, солиқ имтиёзларининг самарали қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг моҳиятига алоҳида тўхталиб, айрим нормалар юзасидан қонун ташаббускорларидан тушунтиришлар сўрашди.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2025 йилга мўлжалланган давлат дастурининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлат дастуридан ўрин олган юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш, болалар орасида оммавий селектив скрининг ўтказиш, ҳавф гуруҳига мансуб бўлган аҳолини онкологик касалликлар бўйича скрининг текширувларидан ўтказишни қамраб олувчи муҳим вазифалар партия сайловолди дастурига уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди.

Белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлигига урғу берилди. Ва унинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида фракция олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда “Аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда солиқ имтиёзлари берилишини тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида саволли ишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган нормаларни аниқлаштириш зарурати юзага келяпти.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар бериб, қонун ташаббускорларидан атрафлича жавоб олишди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойи-

ҳасининг қабул қилиниши рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, солиқ имтиёзларини самарали қўллаш, энг муҳими, “яширин иқтисодиёт”нинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, экологик жиҳатдан қўлай ҳамда фаровон яшаш муҳитини шакллантириш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Депутатлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳамда “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида 200 млн. туп дарахт ҳамда бута кўчати экиш, “Соғли сайр кўчалари” тармоғини яратиш, Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этиш ва Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 2,1 млн. гектарга, ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 млн. гектарга етказиш бўйича белгиланган вазифалар фракция дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканини айтишди.

Йиғилишда давлат дастури ижроси юзасидан тизимли равишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириб боришга келишиб олинди.

Навбатдаги масала — аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштиришга доир қонун лойиҳаси бўлди. Унда тадбиркорларга маркировка қирилмаларини сотиб олиш харажатлари суммасига фойда, айланмадан олиннадиган солиқ ҳамда яқна тадбиркорлар учун даромад солиғини камайтириш ҳуқуқи берилмоқда. Шунингдек, пиво маҳсулотларини сотиш фаолияти солиқ органларини хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатида киритилляпти.

Фракция аъзоларининг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рақамли маркировкаланган маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Бола ҳуқуқлари бўйича ислохотлар қатъийлиги эътироф этилди

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, 1992 йил 9 декабрда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро конвенциялар қаторида биринчи бўлиб Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Ҳозирги кунда БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг мурожаат этиш жараёнларига тааллуқли 3-Факультатив протоколига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи экспертлар даражасида ўрганиб чиқилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг мамлакатимиз парламенти томонидан ратификация қилиниши бўйича тайёргарлик кўриляпти.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари М. Хўжаева ўз сўзида Бош қомусимизнинг 78-моддасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти экани белгилаб қўйилганини кайд этди.

Мамлакатимиз ўтган давр ичида 80 дан зиёд халқаро шартномаларга қўшилган. Ўзбекистон халқаро мажбуриятларга сўзсиз риоя этишга, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта аҳамият қаратган давлатлардан биридир. Бу мажбуриятларнинг ижроси юзаси-

дан миллий маърузалар БМТнинг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли қўмиталарига тақдим этиб келинмоқда.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Регина Кастижо сўзларига кўра, парламентнинг роли мамлакат қонунчилик базаси ва сиёсатининг БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси каби халқаро инсон ҳуқуқлари шартномалари доирасидаги мажбуриятларга мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Қонунчилик, бюджет ҳамда ҳимоя соҳасидаги парламент назорати болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун шароит яратишга ёрдам беради.

Тадбирда Олий Мажлис палаталари бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациялаш, мавжуд қонунларни такомиллаштириш ва янги қонунлар қилишга кўрали орқали ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаётгани айтиб ўтилди.

Семинарда экспертлар янги Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлар қатъий, узвий ва изчил тарзда давом эттириляётганига эътибор қаратди. Бу борадаги самарали сайё-ҳаракатлар миллий, минтақавий ва халқаро даражalarda кенг қўллаб-қувватланаётгани эътироф қилинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Ер эгалари учун имкониятлар

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони доирасида қишлоқ ҳўжалигини ислох этишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга доир бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу йил 3 февралда имзоланган “Қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони ана шулардан биридир. Мазкур ҳужжатда соҳадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Жумладан, ер участкаларини ажратилишнинг барча учун тенг, шароит ҳамда бозор тамойилларига асосланган тартибини янада такомиллаштиришга оид аниқ вазифалар киритилди. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали пахта ва галладан қисқартириляётган ер майдонларида юқори қўшилган қийматга эга, экспортбоп қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Унга кўра эндиликда ер участкалари контурлар яхлитлиги ва сугориш тизими бузилмаган ҳолда 3 гектардан 50 гектарга бўлган ўлчамларда “Е-аукцион” савдо платформасида электрон онлайн аукцион савдоларига қариллади. Бу амалиёт ернинг “тили”ни тушунадиган ва фермерлик фаолиятига қизиққан кўпбал инсонлар учун янги имкониятларни яратиб беради. Боиси шу пайтга қадар кўпчиликда деҳқон-фермерликка қизиқиш бўлса-да, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлардан келиб чиқиб катта ер майдонларида фаолиятини йўлга қўйишга иккиланар эди. Энди эса бундай фуқаролар ўз салохиятини ҳисобга олган ҳолда электрон онлайн аукцион савдоларида қатнашиб ерга эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, Фармон билан муҳофаза зонасидан ташқари бўлган дала четларида, майдони 20 сотихдан кўп бўлмаган қишлоқ ҳўжалигига хизмат

қўрсатувчи енгил конструкцияли музлатчилик омборхоналар, саралаш, қадоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар, дала шийпони, техника парки каби объектларни жойлаштиришга ҳам рухсат берилмоқда. Бу эса фермер ва деҳқонларга дала шийпонларида мавсум давомида ўз оиласи билан яшаб қорвачилик ҳамда паррандачилик билан шўғулланиши учун айна мудаодир.

Қолаверса, янги тизимга кўра, аукцион қолиби ер участкасида қирқ тўққиз йил икки ҳуқуқи асосида фойдаланиши, кейинчалик ижара муддатини қонунчиликка мувофиқ узайтириш, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг турлари, навлари ва ҳажмларини, шунингдек, уларни етиштириш ҳамда агротехник тадбирларини ўтказиш усулларини ўзи мустақил равишда белгиллаши, жумладан, пахта ва галла экинларини факат ўзи маъқул деб ҳисоблаган тақдирдагина етиштириш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Яна бир муҳим ўзгариш шуки, йиллик сув етказиб бериш лимитларининг энг паст ва энг юқори даражаси доирасида белгиланган ҳажмда сув олиш, ушбу мажбурият бажарилмаган ҳолларда етказилган зарарларни ундириш ҳуқуқи ҳам кафолатланяпти. Бу ўзи ери таркибидан яхши хабардор бўлган тажрибали деҳқонларга сув танқислигидан қўрқмасдан маҳсулот етиштиришга шароит яратди.

Фермер, деҳқон ва ер эгаларига бу каби ҳуқуқларнинг кафолатлаб берилиши келгусида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб қикариш ҳажмини 1,5 баравар ва экспорт кўрсаткичларини 2 баравар ошириш орқали нафақат мамлакатимизда, балки минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дилрабо ХОЛБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.



АБАДИЯТГА ДАХЛДОР СЙМО

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, боло манга...

Радийодан янграётган, Заҳириддин Мўхаммад Бобур ғазали асосида яратилган ушбу ашулани тинглар экансиз, беихтиёр тақдир бошига юз балолар ёғдирган улуг бобомизнинг шахси, ҳаёти ва ижоди ҳаёлимизда жонланади.

Бу улуг сиймо мураккаб ва таҳликали даврда умргузаронлик қилган бўлса-да, ўзининг инсон сифатидаги шаъни, қадр-қимматини сақлаб қолгани, эзгу мақсади йўлида курашувчанлигини намоян этгани, орта чекинмагани, мардлик, жасорат, шижоат, адолат ва Ватанга муҳаббат, илм-маърифат бобида барчага ўрнак бўлгани ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

14 февраль — Заҳириддин Мўхаммад Бобур таваллуд топган кун

Ҳақиқатан ҳам, буюк бобомизнинг салмоқли илмий-ижодий мероси, “Бобурнома”, “Мубаййин ал-закоат”, “Мухтасар”, шунингдек, гарчи ҳанузгача топилмаган эса-да, “Харб иши”, “Муסיқа илми” асарларини ёзгани, икки девон тугзгани, Ҳўжа Аҳрорнинг “Волидия” асарини таржима қилгани, “Хатти Бобурий” деб номланган янги алифбо тугзгани — бутун умри тинимсиз урушлар, ҳаловатсизлик, саргардонлик, хиянатлар ичра кечганини ҳисобга олсак, бу инсоннинг нақадар тўғма истеъдод соҳиби бўлганини, қомусий билимларни эғаллаганини аңглатади.

Давлат арбоби сифатида улкан салтанат тугзгани, мамлакатда тинчлик-тотувлик ўрнатгани, барча соҳа тараққиётига кенг шароит яратгани, бунёдкорликка катта эътибор қаратгани ҳам Бобур Мирзо шахсининг феноменал қирраларини намоян қилади.

Бу ҳақда сўз кетганда, инглиз олими Валдемар Хансен “Ҳиндистон ва унинг саккиз минг йиллик тарихи баамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихида Бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлиқ даври ана шу товуснинг гултоҳисидир”, дея таъкидлаганини қайд эттиш жоиз.

Заҳириддин Мўхаммад Бобурнинг ҳаёти беҳаловат ўтса-да, ижодни унутмади, дилбар ғазаллар, рубоийлар, туюқлар яратди. Миллий адабиётимиз, маданиятимиз ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Ва ана шундай буюк инсон миллимиз вақили, аждодларимиздан бири экани, шубҳасиз, халқимизга чексиз фахр-ифтихор бағишляпти.

Бобур Мирзо ҳаёти, ижоди ва фаолиятига бутун дунёда қизиқиш катта. Жаҳон олимлари, хусусан, мамлакатимиз бобуршунослари бугунги кунда улуг бобомиз ҳаёт йўли, бебаҳо мероси ҳақида қатор тадқиқотлар олиб бормоқда. Илмий, бадиий китоблар нашр қилинмоқда.

Юртимизда Заҳириддин Мўхаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида аҳамият берилляпти. Хусусан, давлатимиз раҳбари бундан саккиз йил олдин Андижонга ташрифи чоғида кенг жамоатчилик билан учрашувда бу ерда вояга етган улуг зотлар, хусусан, Заҳириддин Мўхаммад Бобур шахсига алоҳида урғу қаратиб, 2017 йилни Андижонда “Бобур йили” деб эълон қилган эди. Унинг бой маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, кенг тарғиб этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Мирзо Бобур бизнинг бобомиз, фарзандларимизга гурур билан айтаядиган буюк аждодимиз эканини таъкидлаганди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда, жумладан, Андижонда бу борада асрларга татиғулик ишлар қилин-

ди. “Боғи Бобур” мажмуаси барпо этилиб, унинг рамзий қабр-мақбараси қад ростлади.

“Бобур ва жаҳон маданияти” музейидан халқимиз ва хориқлик меҳмонларнинг қадами узилмайди. Буюк ижодкор ҳаёти ва меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий экспедиция томонидан олиб келинган ноёб қўлёзмалар, китоблар ва тарихий ашёлар ўрин олган музей мамлакатимиздаги диққатга сазовор масканлардан бирига айланган.

Вилоят марказида адибнинг хайкали ўрнатилди. Бугун Бобур шохўҳси Андижон шаҳридаги энг обод кўчалардан биридир. Андижон давлат университети, вилоят театри ва кутубхонаси унинг номи билан қўриллади. Бобур ёдгорлик музейи фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медалли, буюк бобомиз номи билан юритилувчи халқаро жамоат фонди томонидан Бобур халқаро мукофоти таъсис этилган.

Заҳириддин Мўхаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртиларидан бири. Эликдан ортқ иқтисодисларга бўйича малакали мутахассислар тайёрляётган мазкур илм даргоҳининг бакалавр ва магистратура йўналишларида минглаб талабалар таҳсил олмақда.

Бобур номидаги вилоят муסיқали комедия ва драма театри ҳамда ахборот-кутубхона маркази маданият, маънавият ва зиё маскани сифатида халқимизга хизмат қилмоқда. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан шoir ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига ҳос урин эгаллаган адиб, шoir, олим, шу билан бирга, йирик давлат арбоби ва саркарданинг ҳаёти ҳақида дунё жамоатчилиги жуда яхши билади. Шунга қарамай кейинги пайларда ижтимоий тармоқларда унинг таваллуд манзили ҳақида турли қарашлар пайдо бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, унинг “Бобурнома” асарида туғилган жойи, бололик даври ҳақида аниқ маълумот қайд этилмаган. “Бобурнома”даги воқеалар баёни унинг 12 ёшда Фаргона тахтига ўтириши воқеаси билан бошланади. Мирзо Бобурга замондош бўлган муаллифлар, шунингдек, бобурийлар даври тарихчилари томонидан битилган қўлёзма асарларда ҳам улуг шох ва шoirнинг туғилган жойи хусусида аниқ ишоралар берилмаган бўлса-да, кўпчилик олимлар ўз тадқиқотларида яқдиллик билан унинг туғилган жойини Андижон, дея эътироф этишляди.

Бу ҳақда таниқли географ, бобуршунос олим Ҳамидулла Ҳасанов 1983 йилда нашр қилинган “Бобур сайёҳ ва та-



ҚАДИМ ЮРТГА ҚАЙТАЁТГАН УЛУҒВОРЛИК

— Тўғриси, бир вақтлар Сурхондарё ҳам ишлаб чиқариш, sanoat марказларидан бирига айланишни орзу қилардик. Аммо бунинг учун етарли эътибор кўрсатилмасди. Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида армонларимиз ушалди, орзу-умидларимиз рўёбга чиқди. Юртимизнинг барча ҳудудди каби Сурхондарёга ҳам дунё эшиклари очилди. Тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. “Термиз” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ҳам мамлакатимизда Президентимиз томонидан амалга оширилаётган очиклик сиёсати самарасидир.

Сурхондарёликлар азалдан шундай: атрофда бирорта бунёдкорлик иши бошланса, одамлар турмушини ўзгартирадиган янгилик бўлса, ўзига сигмай кетади. Шуқримизнинг замирида, қаноатимиз қўйида барака бор экан, дея суюнади. Ана шундай янгиликлардан гурур туйиб юради.

— Биласиз, дунёда икки юздан зиёд давлатлар бор. Шундай бўлгач ҳақон иқтисодиётида ўрин топиш учун фақат ўзимиз курашимиз керак, — дея фикрини давом эттиради Мухаммади Очиллов. — Эркин иқтисодий зона моҳияти ҳақида айтиладиган бўлсам, у вилоятимизга хорижий инвестиция оқимини ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб қилиш, импортни қисқартириш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтириш мақсадида йўлга қўйилди. Корхоналарнинг технологик жиҳатдан қанчалик замонавийлигига эътибор қаратяпмиз. Рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Бу маҳсулотлар ташқи бозор конъюнктурасига қанчалик мослиги ҳам таҳлил этилади. Минтақада ушбу товарга талаб қандай ва у қайси мамлакат томонидан харид қилиниши ҳам қўриб чиқилади.

Бугунги кунда эркин иқтисодий зона учун Термиз, Бойсун ва Денов туманлари ҳудудларидан 86,6 гектар ер ажратилган. ЭИЗда қиймати 1898,71 млрд. сўмга баҳоланган 18 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 1556 та янги иш ўрни очилиши кўзда тутилган.

Хўш, бу борада ишлар қандай олиб борилмоқда? Мазкур саволга жавоб топиш мақсадида “Surxon sandwich” масъулияти чекланган жамиятнинг “Базальт толаси ва унинг асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси билан танишдик. Қиймати 297,44 млрд. сўмга тенг бўлган ушбу корхонада 320 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

— Эркин иқтисодий зона барпо қилинадиган ҳудуд минерал ресурслар, кадрлар салоҳияти ва транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари, инфратизим имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланади, — дейди “Surxon sandwich” масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Маҳмуд Холматов. — Корхонамиз жойлашган ҳудуд бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Биз бугун қурилиш учун ўта ноёб бўлган базальт плиталари ишлаб чиқариш бўйича иш олиб бораёпмиз. Бу бўйича зарур хомашё базасига эга эканимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни Олтинсой туманида 60 гектар жойни эгаллаган базальт тошлари кони мавжуд. Биз шу конни тасарруфимизга олиб, ўша ерда минерал хомашёни қазиб олиш, ювиш, тозалаш ишларини амалга ошириб, заводга ташиймиз.

Корхонага Хитойдан махсус ускуналар олиб келиниб, бошланғич қисми монтаж қилинди. Бу ноёб ускуналар ёрдамида базальт тошлари эритилиб пахтақандга ўхшаган тоаларга айлантирилади. Кейин эса махсус технологик жараёнлар ёрдамида қишда совуқ ва ёзда иссиқ ўтказмайдиган мустаҳкам базальт плиталари ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотга ички

бозор ва қўшни мамлакатларда талаб ниҳоятда катта. Мутахасссининг фикрига кўра замонавий технологик ускуналар кўмағида ҳақон стандартлари талабига мос тарзда ишлаб чиқариладиган базальт тошлари электр ва газни тежаш имконини беради.

— Корхонамизга Термиз, Шеробод ва Жарқўрган туманлари ёшларини танлов асосида ишга олиш учун рўйхатларни шакллантиряпмиз, — дейди Маҳмуд Холматов. — Ҳозирги кунда 30 нафардан зиёд ишчилар қабул қилганмиз. Фаолиятимиз тўлиқ йўлга қўйилганидан сўнг 100, кейинчалик цехларимиз кенгайиб, қўшимча базальт қувурлар ва арматуралар ишлаб чиқарила бошлангач, 300 нафардан зиёд иш ўринлари очиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, цехларимизда роботлар ҳам қўйилган. Маҳсулотни ташвиш ва тахтлаш ишлари улар зиммасида бўлади. Мамлакатимизда бундай заводлар санокли. Биз йилига 30 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга бўламиз. Маҳсулотларимизни қўшни Тожикистон, Афғонистон ҳамда Россия Федерациясига ҳам экспорт қилишни мўлжалляпмиз.

Тадбиркорнинг қувончи, эртанги кунга комил ишонч билан қараши ва ўз меҳнатидан завқ-шавқ олаётгани фидойиликка даҳлдор тушуन्छ. Ишбилармонлар қалбида шундай туйғунинг уйғонгани юртда кечаётган ислохотларнинг асл моҳиятини англатиб турибди.

Янги макон ва замонавий имкониятлар

Янги макон ва замонавий имкониятларга эга тузилма сифатида шакллантирилган эркин иқтисодий зонага хорижий инвесторларни жалб қилишга қанчалик даражада эътибор



Абдулмуталиб ТОЙИРОВ олган суратлар.

қаратилляпти? Шу каби саволлар билан Термиз шаҳрида жойлашган “Нова-Фарм” Ўзбекистон — Ҳиндистон кўшама корхонасининг ишлаб чиқариш бўйича директори Зокир Раҳимовга юзланар эканмиз, у “Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, дея бизни завод цехлари томон бошлади.

— Илгари бу даво воситалари Ҳиндистондан бизга импорт қилинган, — дейди у. — Мана, қўриб турганингиздек таблетка ва капсула дорилар ўзимизда, маҳаллий ходимлар иштирокида ишлаб чиқарилаётир. Шунингдек, сироп ва суспензиялар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирча иккита цехимизда иш қизғин. Учинчи биномизда қўшимча цех фаолиятини бошлаш арафасида. Маҳсулотларимизни ҳақон стандартларига мослаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Уч йилдан буён махсус сертификатта биноан ишляпмиз. Мақсадимиз дори воситаларини аҳолига

қулай, арзон нархларда сифатли етказиб бериш орқали импортни камайтиришга қаратилган.

Айтиш жоизки, хомашёнинг бир қисми Ҳиндистондан келади. Аммо дориларни маҳаллий маҳсулотлардан ишлаб чиқариш бўйича ҳам қатъий иш олиб бораёпмиз. “Термиз” эркин иқтисодий зонаси таркибига кирганимиздан сўнг имкониятларимиз янада кенгайди. Ҳозирги кунда 70 нафар маҳаллий ишчи фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 6 нафар Ҳиндистонлик мутахассис технологик ускуналар ва дори турларини таҳлил қилади. Цехларимизда 30 турда дори воситалари тайёрланмоқда. ЭИЗ тўғрисида хомашё, яъни доривор гиёҳларни ўзимизда етиштириш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда Бойсун туманида 10 гектар ерда ана шундай доривор гиёҳларни экиб, парваришляпмиз. Шу тариқа биз хориждан олиб келинаётган дори воситалари хомашёсининг бир қисмини маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. “Курукмин”, “Фенугрек” ва бошқа дорилар

“Сурхондарёда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун уларни ер майдони, зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш, вилоятда қулай инвестиция муҳитини яратишда “Термиз” эркин иқтисодий зонасининг ўрни бекиёс. Бу ерда амалга ошириладиган 18 та лойиҳа тўлиқ ишга тушгандан кейин 115 млн. АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ёки 20 дан ортиқ турда 22,80 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинади. Ички бозорга 92,20 млн. доллар импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланади.

олиб, бизнесини муваффақиятли амалга ошираётган тадбиркорлардан бири. Асосий ишлаб чиқариш корхонаси биноси тўлиқ битказилди. Тадбиркорлик субъекти томонидан “МДФ” эшиклари ва ҳар хил турдаги мебелларни ишлаб чиқариш” лойиҳаси доирасида дастлабки мебел маҳсулотлари тайёрланиб, савдо нуқталарига етказиб берилмоқда. Ме-



бонав қилмайдиган янгилик! Наҳотки, ўзбек тадбиркори олис бир туманда автомобиль заводи очса-я, деб ҳайрон бўласиз. Аммо бугун мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча қулайлик яратилляпти. Масалан, “Термиз” эркин иқтисодий зонаси барпо этилгач ўз лойиҳаси ва сармоёси билан қатнашган ишбилармон муваффақият қозонляпти. Бу юртимизда уларга бе-

да юртимизда автомобилсозлик саноати жадал тараққий тоғди. Янги ишлаб чиқарилаётган автоуловлар халқимиз эҳтиёжини қондирмоқда. Сифат жиҳатдан анча мукамал бўлган бу транспорт воситалари узок вақтгача ўзининг техник имкониятларини йўқотмаслиги билан аҳамиятлидир.

— Биз ишлаб чиқарган электромобиллардан халқимиз баҳраманд бўлса, бундан улуғроқ бахт йўқ, — фикрини давом эттиради Ҳожиакбар Қаршиев. — Импортни камайтириш, экспортга маҳсулот жўнатиш ва воҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидидаги улушини оширишга ҳисса қўиш билан элу юртга хизмат қилсак, деймиз...

Тадбиркор билан суҳбатимиз қўнглимизни кўтарди. Ҳожиакбар каби забардаст ишбилармонларнинг яратилиш ва яшнатиш шижоати ёшларга ҳам қанот беради. Бу эса мамлакатимиз тараққиётида янги тўлқинни пайдо қилишга шубҳа йўқ.

Фаровонлик — бош мезон

Бугун тадбиркорлар манфаатлари давлат ва қонун ҳимоясида. Бу, албатта, ҳар қандай кишини қувонтиради. Зеро, бизнес фаолиятига кенг йўл очилиши — бу халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш демак. Зеро, одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қулоқ ёзади. Энг муҳими, бу билан минглаб оилаларга барака қиради, юз минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Шу маънода, Сурхондарёда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун уларни ер майдони, зарур муҳандислик-коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш, вилоятда қулай инвестиция муҳитини яратишда “Термиз” эркин иқтисодий зонасининг ўрни бекиёс.

Бу ерда амалга ошириладиган 18 та лойиҳа тўлиқ ишга тушгандан кейин 115 млн. АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ёки 20 дан ортиқ турда 22,80 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинади. Ички бозорга 92,20 млн. доллар импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланади.

Хўш, кўзда тутилган бу натижаларга эришиш имконияти мавжудми? Бу саволимизга Мухаммади Очиллов шундай жавоб берди:

— Албатта, 18 та лойиҳада иштирок этаётган тадбиркорларнинг ҳаммаси ишга масъулияти ва фидойи кишилар. Бу уларнинг ҳозирги кунга қадар лойиҳа доирасида катта ҳажмда ишни удалаб қўйганида аққол акс этиб турибди. Энди муаммоларга келсак, банк кредити масалаларига бироз вақтдан бой бериш ёки чигалликлар мавжуд. Сув муаммоси ҳам долзарб. Буларни ҳам босқимча-босқич ҳал қилиб бораёпмиз. Биласиз, “Термиз” эркин иқтисодий зонаси — Президентимизнинг ташаббуси ва амалий саъй-ҳаракати билан барпо этилаётган йирик объект. Тадбиркорлар учун эркинлик, имтиёз ва имкониятлар бераётган бу лойиҳа воҳамиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим ҳисса қўиши шубҳасиз.

Фахриддин БОЗОРОВ
(“Халқ сўзи”).

Навоий давлат университетида шу йил 10 — 15 октябрь кунлари «Алишер Навоий илмий-адабий меросининг умумбашарият маънавий ва маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг мазмунини беришни учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6